

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**651** Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Тренерлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 9-сон, 50-модда) 1-илова 64-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мактабнинг тренер-ўқитувчилар таркиби олий ёки ўрта махсус, касб-хунар жисмоний тарбия маълумотиغا ҳамда спорт бўйича тренерлар ёки тренер-ўқитувчилар сифатида тренерлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномага эга бўлган мутахассислардан бутланади. Бунда жисмоний тарбия маълумотиغا эга бўлиш назарда тутилмаган спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчилар таркиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофик, олий ёки ўрта махсус, маълумотга ҳамда спорт бўйича тренерлар ёки тренер-ўқитувчилар сифатида тренерлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномага эга бўлган шахслардан бутланиши мумкин».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 7 декабрь,  
324-сон